

Ал-Азхар университетидан муносабат: Муқаддас динлар бундай жиной ҳаракатлардан холидир



20:30 / 30.10.2020 1040

Миср Араб Республикасининг ал-Азхар университети Франциянинг Ницца шаҳридаги хужумга муносабат билдирди. Ушбу муносабатда жумладан шундай дейилади:

Ал-Азҳари шариф ва унинг раҳбари Шайхул-азҳар Доктор Аҳмад Тоййиб ҳазратлари Франциянинг Ницца шаҳридаги Нотр Дам черкови яқинида уч кишининг ўлимига ва бошқаларнинг жароҳатланишига сабаб бўлган машъум террор хужумини қатъиян қоралайди.

Ал-Азхар ҳар қандай ҳолатда ҳам террористик ҳаракатларни оқлаб бўлмаслигини, ушбу хатти ҳаракатлар нафақат Ислом динининг, балки барча илоҳий динларнинг бағрикенглик таълимотига зид эканини таъкидлайди. Шу билан бирга ҳар қандай зўравонлик, экстремизм ва мурасасизлик ҳаракатларига қарши кураш заруратини яна бир бор эслатиб ўтади.

Азҳари шариф ушбу жирканч террор ҳодисасини қоралаш билан бирга, халқлар орасида зўравонлик ва нафрат риторикаси кучайиб бораётгани ҳақида огоҳлантиради. Айниқса, гап бошқаларнинг эътиқоди ҳақида кетганда донолик, ақл ва ижтимоий масъулиятга содиқликни устун қўйишга чақиради.

Ал-Азхар қурбон бўлганларнинг оилалари ва француз халқига ҳамдардлик билдиради, Аллоҳдан жароҳат олганлар тезроқ соғайиб кетишини сўраб дуо қилади.

Манба: azhar.eg